

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

ТУЙЧИЕВА ДИЛРАБО МАМИРЖОНОВНА

**ЎТА ЮҚОРИ ЧАСТОТАЛИ НУРЛАНИШ ЁРДАМИДА ДОН
ЗАХИРАЛАРИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИДАН ДОННИ
ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Туйчиева Дилрабо Мамиржоновна

Ўта юқори частотали нурланиш ёрдамида
дон захиралари зараркунандаларидан донни
зарарсизлантириш технологиясини такомиллаштириш 3

Туйчиева Дилрабо Мамиржоновна

Совершенствование технологии обеззараживания зерна
от вредителей хлебных запасов с помощью
СВЧ излучения 19

Tuychieva Dilrabo Mamirjonovna

Improvement of the technology of grain disinfection
from grain stocks pets using microwave radiation..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 38

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.T.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

ТУЙЧИЕВА ДИЛРАБО МАМИРЖОНОВНА

ЎТА ЮҚОРИ ЧАСТОТАЛИ НУРЛАНИШ ЁРДАМИДА ДОН
ЗАХИРАЛАРИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИДАН ДОННИ
ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

02.00.17 – Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда
қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2023

Фалсафа доктори (диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/T2798 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон машинасозлик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифа (ik-kimyo.nuu.uz) манзилига ҳамда «ZiyoNet». Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джахангилова Гулноза Зинатуллаевна
фалсафа доктори (PhD), доцент

Расмий оппонентлар:

Исабаев Исмоил Бабаджанович
техника фанлари доктори, профессор

Гафурова Дилором Аббасовна
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

«O`zdonmahsulot» АК

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «___» _____ соат «___» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz)

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги №_____ рақамли реестр баённомаси).

С.М. Туробжонов

Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И. Кадиров

Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

К.П. Серкаев

Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда дон ва дон маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ҳамда дон массасини омбор зараркунандаларидан зарарсизлантириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга мавсумий қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳисобланувчи буғдой донидан максимал миқдорда маҳсулот олиш, етиштирилган ҳосилдан оқилона фойдаланиш, йиғилган ҳосилдан кўп йиллар давомида фойдаланишни таъминлаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар долзарб аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда зараркунандаларидан зарарсизлантирилган ғалланинг истеъмолга яроқлилиқ хусусиятлари ва технологик имкониятлардан оқилона фойдаланиш учун замонавий технология ва ускуналарни қўллаш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, ўта юқори частотали электромагнит диапазонда ишлов бериш орқали дон захираларини зараркунандалардан зарарсизлантириш, истеъмол хусусиятлари ва биологик қиймати яхшиланган дон ишлаб чиқаришни жадаллаштириш технологияларини яратиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда донни турли зараркунандалардан ҳимоялашда ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни тўхтатишини талаб қилмайдиган технологияларни такомиллаштириш бўйича муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш салоҳиятини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза, сифат кўрсаткичи юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, дезинсекциялангандан кейин уруғнинг униб чиқиш, уннинг нонвойлик хусусиятлари сақланиб қолинувчи, дон захираларини зараркунандалардан сақлашнинг ўта юқори частотали электр майдон таъсирида зарарсизлантириш технологияларини мақбуллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги №ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сонли «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сонли «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПҚ-5853-сонли «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2019-йил 29-июлдаги ПҚ-4406-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, фармон ва қарорлари ҳамда, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар тараққиётининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дон захираларини кимёвий реагентлар билан зарарсизлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишлашда ўта юқори частотали электромагнит тўлқинларини қўллаш бўйича чуқур илмий-тадқиқотлар А. Далморо, С. Наддео, С. Сапуто, Г. Ламбертий, Л. Гуадагно, П. Уиллиамс, Н.В. Цугленок, Г.Г. Юсупова, О.А. Коман, А.К. Коробков, Э.И. Казанцева, Д.А. Будников, П.М. Турсунхўжаев, Т.С. Николаенков, С.С. Равшанов, З.З. Шукуров, Д.А. Ғофурова, Р.М. Рахимов, А.А. Артиков, А.Ф.Сафаров, Ж.М. Қурбонов, С.А. Абдурахимов, К.О. Додаев, Д.С. Салиханова, Д.С. Сагдуллаева, А.Б. Йўлчиев ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган.

Улар томонидан, дон ва дон маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ҳамда дон массасини омбор зараркунандаларидан зарарсизлантиришнинг кимёвий усуллари яратилган, озик-овқат маҳсулотларини қуриштиришнинг ўта юқори частотали электромагнит тўлқинларини қўллаш билан қайта ишлашга тайёрлашнинг такомиллашган технологиялари ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, буғдой донини мурдалари, терилари ва секретлари билан ифлослантирувчи омбор ва шоли узунтумшуғи, қора танли қўнғиз каби илиқ ва иссиқ иқлимли мамлакатларда учрайдиган дон зараркунандаларини ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар таъсирида дезинсекциялаш, жараённинг маҳсулот намлиги, клейковина ва ҳароратга боғлиқлиги орқали дон захираларини ҳимоялашнинг технологияларини мақбуллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон машинасозлик институти ҳамда Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-5-065 рақамли «Кимёвий ва озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ресурсларни тежовчи, экологик хавфсиз технологияларни ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) ва ФЗ-201812278 рақамли «Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини тозалайдиган универсал қурилманинг тажриба нусхаларини тайёрлаш» (2019-2020 йиллар) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади ўта юқори частотали электромагнит диапазонда ишлов бериш орқали дон захираларини зараркунандалардан зарарсизлантириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: дон маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида дон сақлашнинг амалдаги технологиясини ўрганиш ва дон захиралари зараркунандаларининг турларини ўрганиш;

буғдой донини дезинсекция қилишнинг ноанъанавий усулларини қўллаш истиқболларини аниқлаш;

буғдой донининг физик-кимёвий ва технологик хусусиятларига ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар таъсирини аниқлаш;

буғдой донини ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар таъсирида зарарсизлантириш технологиясини такомиллаштириш;

ишлаб чиқаришнинг самарали технологик режимида асосий таъсир этувчи омилларнинг оптимал режимларини аниқлаш;

ишлаб чиқилган технологиянинг техник ва иқтисодий самарадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг объектлари сифатида зарарланган дон, ўта юқори частотали микротўлқинли печ камераси, дон захираларининг зараркунандалари - қора танли кўнғиз, омбор узунтумшуғи ва шоли узунтумшуғи олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўта юқори частотали электромагнит диапазонда донни зарарсизлантириш технологиясини такомиллаштириш ва унинг кечиш жараёни қонуниятларини таҳлил қилиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида буғдой донини физик-кимёвий таҳлил қилишнинг замонавий усуллари ҳамда тажриба маълумотларига статистик ишлов бериш учун Microsoft Excel 2013 ва MathCad 15 дастурлари асосида корреляцион - регрессион таҳлилдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

дон захиралари зараркунандаларига қарши курашнинг истиқболли усули таклиф этилган, самарадорлиги илмий асосланган;

буғдой донининг физик-кимёвий ва технологик хусусиятларига ўта юқори частотали электромагнит тўлқинларнинг таъсири исботланган;

ўта юқори частотали электромагнит диапазонда ишлов бериш орқали дон захираларини зараркунандалардан зарарсизлантириш технологияси такомиллаштирилган;

дон дезинсекция қилиш жараёнида ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар таъсирида ишлов бериш имконини берувчи лойиҳавий-конструкция (қурилма) ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

буғдой донини зараркунандалардан зарарсизлантиришда ўта юқори частотали электромагнит тўлқинларни қўллашнинг мақбул шароитлари аниқланган;

ўта юқори частотали электромагнит тўлқинларни қўллаб, буғдой донини зараркунандалардан зарарсизлантиришнинг тежамкор технологияси ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларини қўллаш, дон захиралари зараркунандаларидан зарарсизлантирилган дон ва дон маҳсулотларининг новвойлик ва технологик хусусиятларини аниқлаш йўли билан асосий сифат кўрсаткичларини баҳолаш,

шунингдек, Ўзбекистоннинг айрим донни қайта ишлаш корхоналарида ўтказилган тажриба-синов тадқиқот натижалари орқали исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қиймати ўта юқори частотали электромагнит тўлқин оралиғида ишлов бериб зарарсизлантириш қонуниятларини аниқлаш, донни зарарсизлантиришнинг максимал таъсири ва буғдой донининг физик-кимёвий ва нонвойлик хусусиятларини сақлаб қолиши ушбу частота таъсирининг технологияларини мақбуллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти дезинсекциялангандан кейин уруғнинг униб чиқиш, уннинг нонвойлик хусусиятлари сақланиб қолинувчи, дон захираларини зараркунандалардан сақлашнинг ўта юқори частотали электр майдон таъсирида зарарсизлантириш технологиясини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўта юқори частотали электромагнит тўлқинларида дон захираларини зараркунандалардан зарарсизлантириш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ўта юқори частотали электромагнит диапазонда ишлов бериш орқали донни зараркунандалардан ҳимоялаш технологияси «O`zdonmahsulot» АКнинг «2023-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («O`zdonmahsulot» АК 2022 йил 2-мартдаги АК/6-1-2/44-263-сон маълумотномаси). Натижада, қувват - 180 Вт/м² ва таъсир давомийлиги 120-160 сек бўлган ўта юқори частотали электромагнит диапазонда ишлов берилган дон массасини самарали зарарсизлантириш имконини берган;

ўта юқори частотали электромагнит диапазонда ишлов бериш орқали зарарсизлантирилган дон олиш технологияси Andijan AGF «Golden Fruits» МЧЖда «2023-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («O`zdonmahsulot» АК 2022 йил 2-мартдаги АК/6-1-2/44-263-сон маълумотномаси). Натижада дон массасини дезинсекциялаш ҳаражатларини ~ 40 % камайтириш, зарарсизлантириш технологиясини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган. Олий аттестация комиссияси диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 101 бетдан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Андижон вилоятида етиштирилган буғдой донининг дезинсекция усуллари ва технологик хоссалари таҳлили**» деб номланган биринчи бобда дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарининг донни зарарсизлантириш жараёнларининг ҳозирги ҳолати ёритилган. Зараркунандалар билан зарарланган доннинг муаммоси батафсил кўриб чиқилади ва турдош тармоқларда ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар таъсиридан фойдаланиш натижалари муҳокама қилинади. Зараркунандалар зарар келтириш даражасини пасайтириш учун турли усуллардан фойдаланган ҳолда анъанавий технология ва муқобил технологик усуллар имкониятларининг қиёсий таҳлили ўтказилди. Ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар таъсири ҳақида маълумотлар берилади, яъни донни сақлашда, технологик жараёнларга тўлқинлар таъсирида дезинсекциялашнинг усули ақс этирилган. Адабиётларни таҳлил қилиш натижасида диссертациянинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Буғдой донини зарарсизлантириш натижасида олинган маҳсулотлар хомашёсини тадқиқ қилиш**» деб номланган иккинчи бобда буғдой донининг физик-кимёвий ва нонвойлик хоссаларини аниқлаш усуллари, статистик қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усуллари тавсифи, шунингдек, ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар таъсирида ишлов бериш донни зарарсизлантириш учун лаборатория ускунасини ўрнатиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот натижаларини муҳокама қилиш**» деб номланган учинчи бобда ўта юқори частотали электромагнит тўлқинларнинг омбор зараркунандаларига таъсири ҳамда зараркунандаларни (омбор узунтумшуғи ва шоли узунтумшуғи, қора танли қўнғиз (мита)) йўқ қилиш қуввати ва таъсир этиш вақт давомийлигини ўрганиш натижалари келтирилган. Ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар таъсирида дезинсекциялашнинг буғдой донининг технологик ва физик-кимёвий хусусиятларига таъсирини ўрганиш, унинг дон ва ун маҳсулотларининг нонвойлик хусусиятларига таъсири, шунингдек ушбу тўлқинлар таъсири дезинсекция қилишнинг буғдой донини уруғларини униб чиқишига таъсирини ўрганиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Ҳашаротларнинг зарарли фаолияти дон йўқотилишининг энг муҳим сабабларидан бири бўлиб, сақлаш технологиясини бузилиши билан бир қаторда, хусусан: омбор узунтумшуғи ва шоли узунтумшуғи, қора танли қўнғиз (мита)ларнинг зарари айниқса кўпроқ кузатилади. Иқлими илиқ ва иссиқ бўлган мамлакатларда нисбатан кўпроқ учрайди ва айнан юқорида санаб

Ўтилган дон зараркунандалари қулай сақлаш шароитида кўпаяди. Ушбу турдаги зараркунандалар нафақат дон захирасининг катта қисмини йеибгина қолмай, балки сифатини пасайтириб, мурдалари, терилари ва секретлари билан ифлослантиради, донни қизишига олиб келади ва унинг технологик сифатини пасайтиради, дон ҳамда дон маҳсулотларида ривожланади.

1-жадвал

Ўта юқори частотали электромагнит тўлқинларнинг таъсир қуввати ва вақтнинг зараркунандаларга қарши кураш самарадорлигига таъсири

| № | Дон миқдори <i>с</i> | Режим таъсири | | Ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар таъсирида тирик қолган зараркунандалар номланиши ва сони (дона) | | |
|----|----------------------------|--------------------------------|-------------------|---|---------------------|----------------------|
| | | Қувват, Вт/м ² . | Вақт, <i>с</i> | Омбор узунтумшуғи | Шоли узунтумшуғи | Қора танли қўнғиз |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| 1 | Назорат | | | 20 | 20 | 20 |
| 2 | 50 | 100 | 40 | 20 | 20 | 20 |
| 3 | | | 80 | 18 | 18 | 20 |
| 4 | | | 120 | 16 | 15 | 15 |
| 5 | | | 160 | 11 | 11 | 12 |
| 6 | | | 200 | 8 | 10 | 9 |
| 7 | | | 240 | 5 | 7 | 7 |
| 8 | | | 280 | 5 | 4 | 5 |
| 9 | | | 50 | 150 | 40 | 20 |
| 10 | 80 | 18 | | | 18 | 20 |
| 11 | 120 | 14 | | | 15 | 15 |
| 12 | 160 | 12 | | | 11 | 12 |
| 13 | 200 | 9 | | | 10 | 9 |
| 14 | 240 | 4 | | | 6 | 5 |
| 15 | 280 | 4 | | | 4 | 3 |
| 16 | 50 | 180 | 40 | 20 | 20 | 20 |
| 17 | | | 80 | 5 | 4 | 5 |
| 18 | | | 120 | 0 | 0 | 0 |
| 19 | | | 160 | 0 | 0 | 0 |
| 20 | | | 200 | 0 | 0 | 0 |
| 21 | | | 240 | 0 | 0 | 0 |
| 22 | | | 280 | 0 | 0 | 0 |

Дон захираларининг зараркунандаларини йўқ қилиш муаммоларини бартараф этиш учун энг мақбул дезинсекциялаш параметрлари, хусусан, ўрганилаётган хом ашёга ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар таъсир этиш қуввати ва вақтини аниқлаш таклиф этилди. Дон захираларининг зараркунандаларидан самарали зарарсизлантириш мақсадида ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар таъсирида дезинсекция қилишнинг мақбул шароитлари ўрганилди ва танланди.

Ҳашаротлардан ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар таъсирининг қуввати ва вақт давомийлиги катталиклари бўйича тадқиқот натижалари келтирилган(1-жадвал).

1-жадвалдан кўришиб турганидек, ЎЮЧ электромагнит диапазонда буғдой донини зарарсизлантириш натижасида зараркундаларни нобуд бўлишига самарали таъсир этганини кузатиш мумкин. Таъсир этиш вақти 120 дан 280 с давомида самарали натижага эришилган. Дон захиралари зараркундаларининг буткул нобуд бўлиши қувват-180 Вт/м² ва вақти -120-160 с бўлиб, ушбу параметрлар оптимал режим деб танланди.

Шу билан биргаликда, ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар таъсирида буғдой донининг физик-кимёвий ва нонвойлик хоссаларига таъсирини ўрганиб чиқилди.

Ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар буғдой донининг намлиги, клейковина ва ҳароратга таъсири аниқланди. Тажриба натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвалдан кўришиб турганидек, дезинсекциялашнинг самарали параметрлари, аввалги тажрибаларда бўлгани каби, омилларнинг комбинацияси бўлиб, олинган маълумотларга асосланиб, ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар $W=180$ Вт/м², $\tau=120-160$ с таъсирида эканлиги исботланган, доннинг физик-кимёвий кўрсаткичлари: намлик, ҳарорат ва клейковина миқдори меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига жавоб беради.

2-жадвал

Ўта юқори частотали электромагнит тўлқинларнинг буғдой донининг намлиги, клейковина ва ҳароратга таъсири



| № | Вақт с | ЎЮЧ ЭМ тўлқин- лар таъси- ридан аввал клей- нанинг миқдор/ сифат кўрсаткич лари ИДК бўйича | ЎЮЧ ЭМ тўлқин- лар таъси- ридан кейинги клей- нанинг миқдор/ сифат кўрсаткич лари ИДК бўйича | Кув- ват, Вт/м ² | ЎЮЧ ЭМ тўлқин- лар таъсири дан аввалги тем-ра, °С | ЎЮЧ ЭМ тўлқин- лар таъсири дан кейинги тем-ра, °С | ЎЮЧ ЭМ тўлқин- лар таъсири- дан аввалги намлик, % | ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар таъсири- дан кейинги намлик, % |
|---|-----------|--|--|-----------------------------------|---|---|--|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 1 | Назорат | | | | | | | |
| 2 | 40 | 25/80 | 24/80,7 | 100 | 21 | 30 | 10,5 | 10,3 |
| 3 | 80 | | 24/79,6 | | | 32 | | 10,2 |
| 4 | 120 | | 24/74,7 | | | 45 | | 10,2 |
| 5 | 160 | | 24/71,4 | | | 56 | | 10,2 |
| 6 | 200 | | 23/70,8 | | | 62 | | 10,1 |
| 7 | 240 | | 22/55,3 | | | 67 | | 10,1 |
| 8 | 280 | | 20/52 | | | 67 | | 10 |
| 9 | 40 | 25/80 | 24/75 | 150 | 21 | 38 | 10,5 | 10,6 |

2-жадвал давоми

| | | | | | | | | |
|----|-----|-------|---------------|-----|----|-----|------|------|
| 10 | 80 | | 24/70 | | | 42 | | 10,5 |
| 11 | 120 | | 22/70 | | | 49 | | 10,4 |
| 12 | 160 | | 22/65 | | | 54 | | 10,2 |
| 13 | 200 | | 21/62,8 | | | 61 | | 10 |
| 14 | 240 | | 21/60 | | | 71 | | 9,9 |
| 15 | 280 | | 20/58,9 | | | 81 | | 9,8 |
| 16 | 40 | 25/80 | 24/75 | 180 | 21 | 46 | 10,5 | 10,2 |
| 17 | 80 | | 24/74,4 | | | 57 | | 10,2 |
| 18 | 120 | | 23/74,2 | | | 60 | | 10 |
| 19 | 160 | | 23/70,1 | | | 65 | | 10 |
| 20 | 200 | | 22/67,8 | | | 77 | | 10 |
| 21 | 240 | | 20/60 | | | 95 | | 9,3 |
| 22 | 280 | | 19/50 | | | 100 | | 9,0 |
| 23 | 40 | 25/80 | 22/72 | 240 | 21 | 71 | 10,5 | 10,1 |
| 24 | 80 | | 21/66 | | | 78 | | 10 |
| 25 | 120 | | Ювилмай диган | | | 92 | | 9,7 |
| 26 | 160 | | Ювилмай диган | | | 100 | | 9,3 |
| 27 | 200 | | Ювилмай диган | | | 105 | | 9,2 |
| 28 | 240 | | Ювилмай диган | | | 106 | | 8,9 |
| 29 | 280 | | Ювилмай диган | | | 110 | | 8,8 |
| 30 | 40 | 25/80 | 20/60 | 300 | 21 | 75 | 10,5 | 10 |
| 31 | 80 | | Ювилмай диган | | | 85 | | 9,1 |
| 32 | 120 | | Ювилмай диган | | | 95 | | 8,3 |
| 33 | 160 | | Ювилмай диган | | | 100 | | 8 |
| 34 | 200 | | Ювилмай диган | | | 110 | | 7 |
| 35 | 240 | | Ювилмай диган | | | 115 | | 5 |
| 36 | 280 | | Ювилмай диган | | | 118 | | 4,5 |

1-расмдан кўришиб турганидек, тадқиқот натижалари зарарсизлантирилган доннинг клейковина ўзгариши қувват ва вақт билан тақдим этилади. Ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар таъсирида зарарсизлантиришда қўлланиладиган қувват $W=180 \text{ Вт/м}^2$ ва вақт $\tau=120-160 \text{ с}$ клейковинанинг миқдорига салбий таъсир кўрсатмади. Вақт ортиши билан клейковина миқдори камаяди ва унинг тузилиши ўзгаради ҳамда ун оқсиги коллоидини бузилишига олиб келади. Клейковинанинг эластиклиги пасаяди, бу эса клейковина миқдорининг ўзгаришини кўрсатади. 2-расмдан кўришиб турганидек, ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар таъсирида зарарсизлантиришда қувват

$W=180 \text{ Вт/м}^2$ ва вақт $\tau=50-300 \text{ с}$ давомида тадқиқот ишлари олиб борилганда, клейковина фоизи бир оз пасаяди ва клейковина эластикроқ бўлади, чунки эластиклик хусусиятлари ИДК 50-80 оралиғида сифат кўрсаткичига эга бўлади. Зарарсизлантириш вақти ортиши билан клейковина сифати пасаяди ва оқсилда денатурация жараёни содир бўлади. Бунинг натижасида клейковинани ювишда бир хил структура ҳосил қилмайди ва хамирнинг кейинги шаклланиш жараёнида оқсилнинг полипептид занжири парчаланаяди.




1-расм. ЎЮЧ ЭМ тўлқинларда зарарсизлантиришнинг клейковина миқдорига таъсири.

2-расм. ЎЮЧ ЭМ тўлқинларда зарарсизлантиришнинг клейковина сифатига таъсири.

Клейковина II гуруҳга киради (қониқарли кучли) ва эластиклигини йўқотади. Клейковина миқдори доннинг дастлабки сифатига боғлиқ бўлади.

3-расмдан кўришиб турганидек, боғлиқлик таҳлили натижасида самарали дезинсекция усуллари аниқланган. Доннинг намлиги қувватни ошиши билан бир оз камаяди.



3-расм. ЎЮЧ ЭМ тўлқинларда зарарсизлантириш буғдой донининг намлигига таъсири

Донни дезинсекциялашда физик-кимёвий кўрсаткичлари бўйича натижалар олинди ва ҳеч бир вариантда ўта юқори частотали электромагнит тўлқинларда таъсирида ишлов берилганда дон сифатига салбий таъсири аниқланмади. Буғдой донининг физик-кимёвий ва нонвойлик хоссалари ҳам ўрганилди. Дон

ва дон маҳсулотларининг битта помол партиядан тузилган назорат қилинган ва олинган вариантларининг сифат кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Зарарсизлантирилган буғдой донидан олинган ун ва ноннинг физик-кимёвий кўрсаткичлари

| № | Номланилиши | Помол партиядан олинган буғдой донининг маҳсулотлари | ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар таъсирида зарарсизлантирилган буғдой донининг маҳсулотлари |
|---|--|--|---|
| ЎЮЧ ЭМ тўлқинларда қувват -180 Вт/м² зарарсизлантирилиб олинган буғдой донининг уни | | | |
| 1 | Намлик, % | 10,5 | 10,5 |
| 2 | Клейковина миқдори, % | 28 | 27 |
| 3 | Клейковина сифати кўрсаткичи, ИДК ш.б. | 85 | 84 |
| ЎЮЧ ЭМ тўлқинларда қувват -180 Вт/м² зарарсизлантирилиб олинган буғдой донининг ундан намунавий ёпилган нон | | | |
| 4 | Ноннинг кислоталилик, град. | 3 | 3 |
| 5 | Ноннинг ғоваклиги, % | 69 | 68 |
| 6 | Ноннинг намлик, % | 45 | 43 |

3-жадвалдан кўришиб турганидек, ўта юқори частотали тўлқинлар таъсирида зарарсизлантирилган буғдой донидан олинган ун ва ноннинг физик-кимёвий кўрсаткичлари меъерий хужжатларнинг талабларига жавоб бериши аниқланди. Стандартлар талабларига мувофиқ нон маҳсулотлари сифатининг асосий физик-кимёвий кўрсаткичлари қуйидагилар: намлик, кислоталилик ва ғоваклик. Дон захиралари зараркунандаларидан ўта юқори частотали электромагнит тўлқинларда ишлов берилганда зарарсизлантирилган дондан олинган уннинг физик кимёвий кўрсаткичлари ва ноннинг нонвойлик хоссаларига таъсири ўрганилди. Тажриба синовлари қолипчи ва қолипсиз нонларда ўтказилди ва ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар таъсир этиб зарарсизлантирилган дондан тайёрланган 1-навли ундан фойдаланилди.

4-жадвал

**Ноннинг ғоваклиги
(ЎЮЧ ЭМ тўлқинларда қувват - 180 Вт/м² дезинсекцияланган буғдой донидан олинган ун)**

| № | Намуналар | Ишлов бериш вақти, с | | |
|---|----------------|----------------------|---------|---------|
| | | 120 | 140 | 160 |
| 1 | 1-Намуна | 73,2 % | 72,6 % | 71,2 % |
| 2 | 2-Намуна | 72,8 % | 71,9 % | 71,0 % |
| 3 | 3-Намуна | 71,4 % | 71,4 % | 69,8 % |
| 4 | Назорат | 68,0 % | 68,0 % | 68,0 % |
| 5 | Ўртача қиймати | 72,5 % | 71,97 % | 70,67 % |

Ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар $W=180$ Вт/м², вақт давомийлиги $\tau = 100, 120, 140, 160$ с мобайнида дезинсекцияланган дондан олинган ундан хамир тайёрланиб, нон пишириб олинди. Тайёр маҳсулот

сифатининг нон пишириш кўрсаткичлари умумий қабул қилинган усуллар бўйича аниқланди.

Ноннинг ғоваклиги қийматларини ишлов бериш режимларига боғлиқ, холда ўрганилган (4-жадвал).

4-жадвалдан кўришиб турганидек, ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар $W=180 \text{ Вт/м}^2$ ва $\tau=100, 120, 140, 160$ с давомида дезинсекцияланган доннинг тортилган унидан нон тайёрланди. Нон ғоваклигининг сифат кўрсаткичлари биров пасайган 71,2-73%, аммо назорат намунасининг ҳажми бўйича деярли бир хил бўлди. Шунини таъкидлаш жоизки, олинган намуналарнинг натижалари талаб этилган меъёрий ҳужжат талабаларига жавоб беради.

5-жадвал

Ноннинг намлиги (ЎЮЧ ЭМ тўлқинларда қувват - 180 Вт/м^2 дезинсекцияланган буғдой донидан олинган ун)

| № | Намуналар | Ишлов бериш вақти, с | | |
|---|----------------|----------------------|--------|--------|
| | | 120 | 140 | 160 |
| 1 | 1-Намуна | 43,5 % | 43,0 % | 43,2 % |
| 2 | 2-Намуна | 43,3 % | 42,8% | 43,0 % |
| 3 | 3-Намуна | 43,0 % | 42,5 % | 42,0 % |
| 4 | Назорат | 45,0 % | 45,0 % | 45,0 % |
| 5 | Ўртача қиймати | 43,3 % | 42,8 % | 42,7 % |

5-жадвалдан кўришиб турганидек, ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар таъсирида ишлов беришдан олинган маҳсулотнинг намлиги ўзгарганлигини кўрсатмоқда. Барча вариантларда ноннинг намлиги 45% гача сақланганлигини кузатишимиз мумкин. Бу нонни тайёрлашнинг технологик жараёнига ижобий таъсир кўрсатадиган ижобий ҳолат бўлиб, унинг ўлчовининг барқарорлиги, ҳавони ушлаб туриш қобилияти ва нон унумдорлиги оширади.

6-жадвал

Ноннинг кислоталилиги ((ЎЮЧ ЭМ тўлқинларда қувват - 180 Вт/м^2 дезинсекцияланган буғдой донидан олинган ун)

| № | Намуналар | Ишлов бериш вақти, с | | |
|---|----------------|----------------------|------------------|------------------|
| | | 120 | 140 | 160 |
| 1 | 1-Намуна | 1,8 ⁰ | 1,6 ⁰ | 1,5 ⁰ |
| 2 | 2-Намуна | 1,5 ⁰ | 1,3 ⁰ | 1,4 ⁰ |
| 3 | 3-Намуна | 1,3 ⁰ | 1,2 ⁰ | 1,2 ⁰ |
| 4 | Назорат | 3,0 ⁰ | 3,0 ⁰ | 3,0 ⁰ |
| 5 | Ўртача қиймати | 1,5 ⁰ | 1,4 ⁰ | 1,4 ⁰ |

6-жадвалдан кўришиб турганидек, ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар қуввати -180 Вт/м^2 , вақти 120-160 с таъсир этиб олинган намуналар билан назоратдаги намунага нисбатан титрланган кислоталикнинг кўрсаткичи 1,2,3 градусга пасайди. Биринчи навли ун учун кислоталикнинг меъёрий даражаси 3,0 градусдан ошмаслиги талаб этилади. Шундай қилиб, ўта юқори частотали $\tau=160$ с билан $W=180 \text{ Вт/м}^2$ мақсадга мувофиқлиги асосланади. Дон захираларининг зараркундалардан сақлашда ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар таъсирида зарарсизлантириш мақбулдир ва таклиф этилаётган диапазонда дезинсекция-

лангандан кейин ҳосил бўлган уннинг нонвойлик хусусиятларига салбий таъсир этмаслиги аниқланди.

Буғдой донини зарарсизлантиришда ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар таъсирида ишлов берилганда, унинг уруғига ва униб чиқишига таъсири ўрганилди. ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар буғдой донини маълум бир муддат сақлаш, ўрим-йиғимдан кейинги пишиб етишлиши ва уни экиш учун уруғлардан фойдаланишда ҳосилни йиғимдан кейинги пишиб етилиш муддатини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Тажриба-синов натижалари лаборатория шароитида Андижон филиалининг «Агроинспекция» ДУК амалга оширилди. Тажрибада иштирок этган намуна тури 2021 йилда етиштирилган «Аср» юмшоқ кузги буғдой навида ўтказилди ва ушбу нав вилоятда етиштиришга рухсат берилган. Уруғларнинг униб чиқиши қуйидаги жадвалда берилган (7-жадвал).

7-жадвал

ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар таъсирида дезинсекциялашнинг буғдой донининг униб чиқиши ва энергиясига таъсири


| № | Кўрсаткичларнинг номланиши | Кўрсаткичларнинг қиймати | | |
|---|----------------------------|--------------------------|-------------|---|
| | | Меъёрий хужжат бўйича | Факт бўйича | Синов усуллари учун меъёрий хужжат |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар қувват -180 Вт/м², вақт -120 с | | | | |
| 1 | Униш қуввати, % | 95 | 95 | ГОСТ 12038-84 «Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари. Унишини аниқлаш усуллари» |
| 2 | Унувчанлик, % | 92 | 95 | |
| ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар қувват -180 Вт/м², вақт -120 с | | | | |
| 3 | Униш қуввати, % | 95 | 93 | ГОСТ 12038-84 «Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари. Унишини аниқлаш усуллари» |
| 4 | Унувчанлик, % | 92 | 95 | |
| Назорат | | | | |
| 5 | Униш қуввати, % | 95 | 95 | ГОСТ 12038-84 «Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари. Унишини аниқлаш усуллари» |
| 6 | Унувчанлик, % | 92 | 92 | |

7-жадвалдан кўришиб турганидек, таҳлил натижаларига кўра қувват- 180 Вт/м², вақти 120-160 с давомида ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар таъсирида зарарсизлантирилган буғдой донининг униб чиқиши ва энергияси 92-95% оралиғида ўзгарганлигини кузатишимиз мумкин. Экспериментал маълумотлар шуни кўрсатдики, тавсия этилган режимларда олиб борилган тажрибалар натижаси доннинг биокимёвий таркибига салбий таъсир кўрсатмади. Тажриба намуналарида уруғларнинг униб чиқиши ва энергияси меъёрий-техник хужжатлар талабларига жавоб бериши аниқланди.

Шундай қилиб, ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар таъсирида зарарсизлантирилган буғдой донига қуввати - 180 Вт/м², вақти - 160 с давомида олиб борилган тажриба натижалари доннинг униб чиқиш ва ўсиш энергиясига салбий таъсир этмаслиги ўрганилди. Тадқиқотлар давомида ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар таъсирдан кейинги жарёнда буғдой донининг уруғлик сифатлари бўйича талаб этиладиган меъёрий хужжатлар талабига мос келадиган маълумотлар олинди.

«ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар таъсирида буғдой донини зарарсизлантиришнинг янги технологик схемаларини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи боб буғдой донини ЎЮЧ ЭМ тўлқинларда ишлов бериб, буғдой донини зарарсизлантиришда экспериментал қурилма тавсифига, донни зарарсизлантиришнинг технологик жараёнини оптималлаштиришга, донни зарарсизлантиришни корреляцион-регрессион таҳлил қилишга бағишланган. Ўта юқори частотали электромагнит тўлқинлар таъсирида дезинсекция қилиш учун экспериментал қурилмани ўрнатиш тавсифи, шунингдек ишлаб чиқилган технологияни жорий этиш орқали иқтисодий самарадорликни ҳисоблашга бағишланган.

ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар таъсирида дон захираларининг зараркунандаларидан зарарсизлантирилган буғдой донини олишнинг технологик схемаси 4-расмда келтирилган.



4-расм. Дон захираларининг омбор зараркунандаларидан ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар таъсирида дезинсекциялаш қурилмасини ўрнатилган $V = 39600 \text{ м}^3$ элеваторнинг технологик схемаси

Анъанавий усулда, дон маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналарида дезинсекциялашда кимёвий модда, хусусан титан алюминийдан фойдаланилади. Бундай кимёвий моддаларни ўрнига ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар таъсир этиш усули орқали амалга ошириш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Шунини инобатга олган ҳолда, биз ғалла захиралари зараркунандаларидан ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар билан ишлов бериб, донни зарарсизлантириш технологиясини такомиллаштириш бўйича синовлар ўтказдик ва анъанавий газация усули назорат вазифасини ўтди. Олинган натижалар жадвалда 8-жадвалда келтирилган.

Вариантлар бўйича техник ва иқтисодий кўрсаткичлар

| Кўрсаткичлар | Донни зарарсизлантириш вариантлари | |
|--|------------------------------------|------------------------|
| | Анъанавий | Таклиф этилаётган усул |
| Капитал қўйилмалар, млн. сўм | - | 30 000 000 |
| Электр энергиянинг сарфи, млн. сўм | - | 132 600 000 |
| Жорий таъмирлаш ва моддий харажатлар, млн. сўм | - | 3 000 000 |
| Газация, млн. сўм | 312 000 000 | - |
| Амортизация, млн. сўм | - | 4 500 000 |
| Жами: | 312 000 000 | 170 100 000 |

8-жадвалдан кўриниб турганидек, таққослаш натижалари тавсия этилган усулда дон массасини зарарсизлантириш учун газация усули кўрсаткичларига қараганда сезиларли даражада фарқини кўрсатмоқда. Шундай қилиб, ғалла захиралари зараркунандаларидан ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар бн ишлов беришда донни зарарсизлантиришнинг такомиллаштирилган технологиясини жорий этишдан олинган иқтисодий самара 2184 т. сўм, йиллига эса 141,9 миллион сўмни ташкил этди.

ХУЛОСА

1. Аниқланган натижалар бўйича, буғдой донининг ўта юқори частотали тўлқинлар таъсирида зарарсизлантиришнинг сифат ва миқдорий таҳлиллари асосида физик-кимёвий ходисалари ва жараёнлари, уларнинг тажриба ва назарий тавсифлари кўрсатилган.

2. Буғдой донининг физик-кимёвий, нонвойлик хоссалари, маҳсулотнинг энергетик боғланиши турли қувватда, ҳароратда, намликда ва ҳоказолар аниқланганлиги кўрсатилган.

3. Экспериментал тадқиқотлар таҳлили натижасида қувватнинг ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар билан ишлов беришда буғдой донини зарарсизлантиришнинг оптимал қийматлари қувват $W=180 \text{ Вт/м}^2$ ва вақт давомийлиги $\tau=120-160 \text{ с}$ эканлиги аниқланган.

4. ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар таъсирида зарарланган донни зарарсизлантиришда, доннинг сифати ва озуқавий хусусиятларига таъсир этмаслиги кўрсатилган.

5. ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар бн ишлов беришнинг муҳандислик ҳисобланиши ишлаб чиқилганлиги ва унинг конструктив қурилмаси таклиф этилганлиги кўрсатилган.

6. Дон омбори зараркунандалари билан зарарланган донни зарарсизлантириш жараёнига ЎЮЧ ЭМ тўлқинларнинг юқори самарали таъсири тажриба йўли билан аниқланди ва дон маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхонаси омбор зараркунандаларини тўлиқ йўқ қилишга эришилганлиги кўрсатилган.

7. Ишлаб чиқариш қуввати йилига 65 минг тонна ташкил этадиган корхонада ЎЮЧ ЭМ тўлқинлар таъсирида дон захиралари зараркунандаларидан зарарсизлантирилган дон олишнинг такомиллаштирилган технологиясини жорий этишдан олинган иқтисодий самара 141,9 млн. сўм эканлиги ҳисобланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12/2019.Т.04.01 ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

АНДИЖАНСКИЙ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ

ТУЙЧИЕВА ДИЛРАБО МАМИРЖОНОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ОБЕЗЗАРАЖИВАНИЯ ЗЕРНА ОТ
ВРЕДИТЕЛЕЙ ХЛЕБНЫХ ЗАПАСОВ С ПОМОЩЬЮ СВЧ ИЗЛУЧЕНИЯ**

**02.00.17- Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2022.2.PhD/Г2798

Диссертация выполнена в Андижанском машиностроительном институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу (ik-kimyo.nuu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Джахангирова Гулноза Зинатуллаевна**
доктор философии (PhD), доцент

Официальные оппоненты: **Исабаев Исмоил Бабаджанович**
доктор технических наук, профессор

Гафурова Дилором Аббасовна
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **АК «O`zdonmahsulot»**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2023 г. в _____ часов на заседании Научного Совета DSc при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. А.Навоий дом 32. Тел.: (99874) 244-79-21, факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института (зарегистрирована за №___). (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. А.Навоий дом 32. Тел.: (+99874) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2023 года.
(Протокол рассылки № ___ от «___» _____ 2023г.).

С.М.Туробжонов
Председатель Научного совета по присуждению
учёной степени доктора наук, д.т.н., профессор

Х.И.Кадиров
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёной степени доктора наук,
д.т.н., профессор

К.П. Серкаев
Председатель Научного семинара при Научном
Совете по присуждению учёной степени доктора
наук, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире зерновая масса повреждается различными видами вредителей хлебных запасов. Одна из главных государственных задач - это получение максимального количества готовой продукции из сырья, а также рациональное использование и сохранение всего выращенного урожая. Для использования собранного урожая на различные нужды в течение года и более возникает необходимость хранения зернового запаса, так как является сезонным сельскохозяйственным продуктом.

В настоящее время в мире проводятся научные исследования по применению современных технологий и оборудования для хранения и переработки зерна и зернопродуктов, в том числе качественного сохранения зерновой массы, с максимально обеззараженным от амбарных вредителей, вместе с тем с улучшенными потребительскими свойствами, с повышенной пищевой безопасностью и биологической ценностью.

В стране ведутся мероприятия по дезинсекции предприятий по хранению и переработке зерна, которые являются сложными, дорогостоящими этапами производства и требуют полной остановки производства. Поэтому значительный интерес представляет метод с использованием обработки в электромагнитном поле СВЧ диапазона, не требующее остановки производства. Этот метод является одним из самых перспективных, действующих непрерывно и позволяющих сократить расходы на дезинсекцию с повышением её эффективности. В Стратегии развития нового Узбекистана установлены задачи по – «...проведению научных исследований и разработке конкретных предложений в рамках реализации программы развития пищевой промышленности, в целях расширения базы продовольственного сырья и поэтапного увеличения объемов органической продукции, расширения ассортимента продовольственных товаров, привлечения зарубежных экспертов в рамках вступления республики во Всемирную торговую организацию»². Исходя из указанных задач, важные значения имеют научные исследования, направленные на рациональное сохранение зерна, освобожденным от насекомых вредителей имеющие потребительские свойства и технологический потенциал.

